




Олий суд унга нисбатан контрреволюцион характерга эга адабиётларни таркатиш ва таркатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш моддаси бўйича чиқарилган ҳукмни бекор қилди.

Ўзбекистон Олий суди атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Кодирийга нисбатан 1926 йилда чиқарилган ҳукмни бекор қилиб, уни оқлади.

Адиб 1926 йилда ҳукумат раҳбарларини обрўсизлантиришда айбланган ва терговга тортилган. Бунга «Муштум» журналида эълон қилинган «Йигинди гаплар» номли мақоласи сабаб бўлган.

Кодирий “Мен маънавий ўлдирилдим, энди мен учун жисмоний ўлим ҳеч нарса эмас”, деган жумлани ўша суд жараёнидан кейин айтган.

Ўзбекистон ССР Олий суди жиноят ишлари хайъатининг 1926 йил 16 июндаги ҳукми билан, Абдулла Кодирий Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 73-моддасида (контрреволюцион характерга эга адабиётларни таркатиш ва таркатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш) назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Бирок, Ўзбекистон ССР

Марказий ижрокўми Раёсатининг 1926 йил 17 июндаги қарорига асосан адиб жазодан озод этилган.

Ушбу ҳукм юзасидан Абдулла Кодирийнинг набираси Хабибулло Кодирий Олий судга апелляция шикоятини берди.

Олий суд апелляция шикоятини қўриб чиқди ва бугун, 1 декабр куни ҳукмни бекор қилиб, Абдулла Кодирийнинг ҳаракатларида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳамда жиноий ходиса юз бермаганлиги сабабли айбсиз деб топди ва уни оқлади.

Шунингдек, унинг терговда ноҳақ ушлаб турилгани ҳам қайд қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Абдулла Кодирий 1938 йилда қатғон қилиниб, отиб ташланган. Ушбу ҳукм бўйича 1957 йилда оқланган.

Айни пайтда Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг очик суд мажлисларида совет даврида қатғон қурбони бўлган ва ҳозиргача оқланмаган 174 нафар шахсга оид жиноят ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ўринбосари келтирган протестлар қўриб чиқилмоқда.

[манба](#)